

## Акса уриш ва эснашдаги ислом одоби



13:45 / 15.07.2019 2448

هُرَّكَتَيْهِ وَسَاطِعُ الْبِحْيِ هَلْ لَانِ: «يَبْنِي لَنْ عُنَّ هَلْ لِي ضَرَّ رِيَّ بَأَنْ عَمَّ أَوْ هَتَّمْ شَيْئًا عَمَّ سِرْمِ سُمِّ لِكَيْ لَعْقَ قَحْفَ هَلْ لِي دَمَّ حَفَّ سَطَعَ إِذْفَ بُوَاتَّ لِي هُنَّ مَكْحَضٌ، أَلْأَقْ إِذْفَ، عَاطَتْ سَأَمُّ هُدْرِي لَفَّ، نَاطِي شَلْ لِي مَوْهُ أَمَّ نِإْفَ بُوَاتَّ لِي رَاخُ بَلْ أَوْرَ». «نَاطِي شَلْ لِي»

*Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳ акса уришни хуш кўради, эсноқни эса хуш кўрмайди. Акса уриб, Аллоҳга ҳамд айтса («Алҳамдулиллаҳ» деса), ташмит айтиш («Ярҳамукаллоҳ» дейиш) уни эшитган ҳар бир мусулмоннинг зиммасига ҳақдир. Эсноқ эса фақат шайтондандир. Киши қўлидан келганича уни қайтарсин. Қачон «Ҳооҳ», деса, шайтон унинг устидан кулади».**

*Бухорий ривоят қилган.*

Ушбу ҳадисда ҳар бир кишида ҳар куни учраб турадиган икки ҳолатга нисбатан Ислам одоби, Ислам маданияти, Ислам ахлоқи баён қилинмоқда.

Тумовдан бошқа вақтдаги акса уриш одатда енгиллик аломати бўлади. Акса уриш яхшилик аломати бўлгани сабабли, акса урган киши Аллоҳ таолога ҳамд айтиши керак экан. Буни эшитган ҳар бир киши эса акса урган кишига «Ярҳамукаллоҳ», яъни «Аллоҳ сенга раҳм қилсин», дейиши Ислам одобларидан экан. Бунга ҳар бир мўмин-мусулмон амал қилиши лозим.



????? ????? ????????????? ??????. ?????????????:

????????????? ?????? ?????????????? ??????????????». ??????????

?????????????????.

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бир киши акса урса, «Алҳамдулиллаҳ», десин. Буни эшитган биродари ёки шериги унга «Ярҳамукаллоҳ» (Аллоҳ сенга раҳм қилсин), десин. Буни эшитган акса урган киши «Яҳдийкумуллоҳу ва йуслиҳ баалакум (Аллоҳ сизни ҳидоят қилсин ва ишингизни ислоҳ қилсин)» десин».**

*Бухорий ривоят қилган.*

Демак, акса урган ва буни эшитган икки мусулмон ўртасида ана шундай ўзаро дуо бўлиши керак. Ислом ахлоқи, суннати, маданияти ана шуни тақозо қилади. Буни ҳар бир мўмин-мусулмон билиши, билмаганларга ўргатиб бориши лозим ва лобуддир.

Ҳозирги даврдаги тиб ходимлари эснаш бош миянинг кислородга, жисмнинг ғизога ҳожати борлигининг аломатидир, дейдилар. Нафас олиш аъзолари бош мия ва жисмга кислород етказиб беришда камчиликка йўл қўйса, эснаш бошланади. Бу ҳолат кўпроқ уйқусираш, ўзидан кетиш ва ўлимдан олдин бўлади.

Эснаш оғиз орқали чуқур нафас олишнинг бир туридир. Аслида оғиз чуқур нафас олишнинг табиий йўли эмас. Чунки у бурунга ўхшаб, нафас орқали олинган ҳавони тозалаш жиҳозига эга эмас. Шунинг учун эснаш пайтида оғиз катта очилганда ва чуқур нафас олиш ила ҳаво ичга тортилганда ҳавога қўшилиб турли ғубор ва микроблар одамнинг ичига киради. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам иложи борича эснашни қайтаришга ва оғизни ўнг қўлнинг кафти ёки чап қўлнинг орти билан тўсишга иршод қилганлар.

Акса уриш эса эснашнинг аксидир. У тўсатдан келади ва кучли бўлади. Унинг сабабидан ҳаво ўпкадан бурун ва оғиз орқали куч билан чиқади. У

Ўзи билан бирга йўлида турган ҳаво, микроб ва бошқа нарсаларни ҳам олиб чиқади. Шунинг учун ҳам акса Роҳмандан бўлиши табиийдир, чунки унда жисм учун фойда бордир. Эснаш эса шайтондандир, чунки унда жисмга зарар бордир.

Шунинг учун ҳам акса урган одамга Аллоҳ таолога ҳамд айтиш, эснаган одамга эса шайтондан паноҳ тилаш лозим бўлади.

**“Қуръон ва суннатдаги илмий мўъжизалар” китобидан**